

98 ёшли саудиялик аёл Самра Муҳаммад Зафер ал-Умайр ал-Шаҳри Қуръонни ёд олди



10:02 / 14.05.2020 1867

Саудиялик аёл Самра Муҳаммад Зафер ал-Умайр ал-Шаҳри Қуръони Каримни 98 ёшида ёд олган. Бу ҳақда arabnp манбасига таяниб, iqna нашри хабар берди.

Саудиялик бу кекса аёлнинг ўғли Саъд бин Саиднинг айтишича, онаси бошланғич мактабнинг олтинчи синфига оид гувоҳномага эга холос. «Онам аввал Қуръони Каримни ёдлашни Хафар ал-Батин ва Хамис-Машит шаҳарларида бошлади. Кейинчалик Танума вилоятидаги Қуръон марказида оятларни ёдлашни давом эттирди».

Унинг сўзларига кўра, аввал онасига Қуръон оятларини эслаб қолиш қийин бўлган. Онанинг ҳис-туйғуларини ҳозир тил билан тасвирлаб бўлмайди, у

Қуръонни ёдлаб тугатганда барчаси Аллоҳнинг тавфиқи ёрдами ила бу муваффақиятга эришганини ҳис қилиш мумкин.

Islom.uz портали таҳририяти